# ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

*Касаба уюшма спорти*

***Спорт оламида Турон яккакураши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айтишларича, македониялик Искандар Зулқарнайн ва араб лашкарлари қадим Турон юртига бостириб келганларида маҳаллий халқнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган, шу пайтга қадар ўзларига нотаниш бўлган жанг санъатининг гувоҳи бўлишган. Бу жанг санъати буюк бобокалонимиз Амир Темур даврига келиб анча оммавийлашган. Соҳибқирон ўз лашкарини бўлғуси жангларга тайёрлашда бу спорт туридан кенг фойдаланган.***



Кейинги пайтларда анча унутилган миллий спорт тури мустақиллик йилларида қайтадан кўз очди, чин маънода миллийлигимиз рамзи сифатида халқаро майдонда бўй кўрсатди. У 1994 йили ҳақиқий спорт тури сифатида расман тан олинди. Орадан бир йил ўтгач Москва шаҳрида ташкил этилган жаҳон биринчилигида эса вакилларимиз томонидан илк медаллар қўлга киритилди. 1996 йили Таиландда ўтказилган жанг санъатлари бутунжаҳон фестивалида 20 нафар спортчимиз қатнашиб, умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллашди. Кейинги йилларда ҳам Турон яккакурашчи усталарини қўлга киритишда кўплаб нуфузли мусобақалардан ғолиб сифатида қайтишди.

Бу ютуқларни қўлга киритишда пойтахт вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли Тошкент туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам катта улуш қўшиб келмоқда. Зеро, мазкур спорт масканида ушбу спорт турини тарғиб этиш, оммавийлаштириш ва ривожлантириш ишлари намунали йўлга қўйилган.

— 200 нафардан зиёд йигит-қизлар машғулотларда қатнашмоқда, — дейди спорт мактаби директори, таниқли мураббий Акром Шерданаев. — Уларга бир неча нафар моҳир мураббийларимиз устозлик қилишмоқда.

Дарвоқе, ёш Турон яккакураши ихлосмандларининг қўлга киритаётган ютуқларидан ота-оналар ҳам хушнуд.

— Фарзандларимизнинг машғулотларини тез-тез кузатиб бораман. Уларнинг катта иштиёқ билан берилиб шуғулланаётганларини кўриб дилдан қувонаман. Чунки ўғлим ушбу спорт тури билан шуғуллана бошлагандан буён жисмоний жиҳатдан чиниқди, дунёқараши кенгайди, — дейди ёш спортчи Бекзод Убайдуллаевнинг онаси.

Дарҳақиқат, ўзида қадим шарқ олишувларининг барча жиҳатларини мужассам этган Турон яккакураши ёшларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамоллигини таъминлаётир. Шу билан бирга мазкур спорт мактаби вакиллари кўплаб мусобақаларда қатнашиб, ўз маҳоратларини ошириш билан бирга юқори ўринларни ҳам забт этишмоқда. Мактаб тарбияланувчилари А.Қаюмов ва О.Якубов Ярославл шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида спорт устаси талабини бажаришди. Ўтган йилги мамлакат биринчилигида эса Ҳожиакбар Аҳмедов, Бекзод Убайдуллаев, Фарҳод Соипов, Абдулазиз Расулов, Азиз Зокиржонов, Қурбон Худойназаров, Маҳфуза Абдуллаева ва Лайло Ҳусановалар ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритишди.



Хуллас, чемпионлар мактабига айланиб бораётган БЎСМ мамлакатимиз спорти шуҳратига шуҳрат қўшмоқда.

**Муҳайё ИСАЕВА.**

*Кураш*

## ТЎЙИГА УЛАНИБ КЕТДИ

Баликчи туманидаги қурилиш касб-ҳунар коллежи спорт мажмуида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан туман ҳокими совриниги учун миллий курашнинг фарғонача усули бўйича мусобақа ўтказилди. Бу баҳслар машҳур полвон Жакбарали Ҳайдаровнинг 60 йиллик тўйига уланиб кетди. Ташкилотчилар таниқли полвонни қутлуғ ёши билан муборакбод этиб, эсдалик совғаларини топширдилар.

Беллашувларда вилоятнинг Андижон, Асака, Қорасув шаҳарлари, Баликчи, Шаҳрихон, Улуғнор, Асака, Избоскан, Олтинкўл, Пахтаобод, Хўжаобод, Қўрғонтепа туманлари, шунингдек, Фарғона вилоятининг Ёзёвон ҳамда Наманган вилоятининг Норин туманларидан ташриф буюрган 130 нафардан ортиқ полвонлар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Олтинкўл туманилик Ж.Қамбаров, У.Араббоев, И.Деҳқонов, баликчилик А.Раҳмонов, хўжаободлик И.Эгамов, шаҳрихонлик Ш.Омонуллаев ва Қорасув шаҳрилик А.Бозоровлар барча рақибларини мағлуб этиб, ўз вазн тоифаларида ғолибликни қўлга киритдилар.

**Муҳаммаджон КАРИМОВ.**

# ЗАМОНАВИЙ ИНШООТЛАР

***Мамлакатимиз спортининг халқаро миқёсдаги юксак муваффақиятларида фарғоналикларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, вилоятда соҳа ривожи учун барча шарт-шароитлар яратилган.***

Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган 47 та БЎСМда 22 мингдан зиёд бўлғуси чемпионлар камол топмоқда. 35 та ўйингоҳ, 604 та спорт зали, 120 та сузиш ҳавзаси ва 3715 та майдонча ҳамиша гавжум. Шуни таъкидлашни истардимки, сўнгги йилларда Бешариқ, Тошлоқ, Учкўприк, Фурқат, Сўх туманларида янги ўйингоҳлар фойдаланишга топширилди. Фарғона, Қува, Ёзёвон, Олтиариқ, Риштон, Данғара, Ўзбекистон туманларидаги мавжуд спорт иншоотлари эса қайта таъмирланди. Айни вақтда Қиргулидаги замонавий спорт мажмуаси, Фарғонадаги «Нефтчи» ҳамда Қувасойдаги «Кварц» ўйингоҳларида қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Теннис мусобақаларимиз тақвимидан муқим ўрин олмоқда. Шу сабаб ҳам марказий «Истиқлол» теннис мажмуаси ҳамда шаҳар ва туманлардаги 8 та корт «олтин тўп» ҳавасмандларининг севимли масканига айланган.

Ҳа, мазкур замонавий спорт иншоотлари вакилларимизнинг мамлакат ва халқаро миқёсда муваффақиятли иштирокини таъминлаётир. 10 нафар спортчимиз Австралия ва АҚШда бўлиб ўтган Олимпиада баҳсларида иштирок этди, 9 нафари эса жаҳон чемпионатлари совриндори қаторидан жой олди. Шунингдек, мустақиллик йилларида 246 нафар спортчимиз турли халқаро турнирлар ғолиблиги ва мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. 9 нафар халқаро тоифадаги, 1020 нафар спорт усталари ва номзодлари тайёрланди. Бокс бўйича қитъа чемпионлари, жаҳон биринчилиги қатнашчилари Дилшод Йўлдошев ва Шерзод Ҳусанов, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Азиз Раҳимов, бронза медали совриндори Элшод Расуловлар бундан буён ҳам спортимиз шуҳратига шуҳрат қўшишига шубҳа йўқ. Жаҳон чемпионати совриндорлари Бобобек Казаков ва Илҳом Тоиров каби таэквондочиларимиз маҳоратига хорижлик мутахассислар ҳам юқори баҳо беришмоқда. Жаҳон ва Осиё чемпионлари Нилуфар Сотволдиева, Румиля Шехуддиновалар тимсолида юртимизнинг матонатли қизларини кўраман. Эркин Исоқов, Аҳмад Тўрақулов, Фахриддин Болтабоев, Шуҳрат Мирзатуллаев каби яна ўнлаб маҳоратли спортчиларимиз борки, бу вилоят спорти келажагининг порлоқлигидан дарак беради.

**К.МИРЗАБОЕВ,**
**Фарғона вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси.**

# СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА





*«Универсиада — 2002»*

***Жорий йилнинг май ойида Бухорода мамлакат талаба-ёшларининг Универсиадаси ўтказилади. Жисмоний етуклик ва баркамоллик кўриги бўлган спорт мусобақаларига тайёргарлик сўнгги босқичига кирди.***

# БАРКАМОЛЛИК КЎРИГИ

Азим ва шариф шаҳар катта байрам тараддудида. Яшилликка чулғанган, анвойи гулларга бурканган вилоят маркази тантаналар яқинлашган сайин ҳар қачонгидан кўра гўзал тус олмоқда.

— Хонадонимизга меҳмон келса даставвал кўча-кўйига, ҳовли-жойга қараймиз, — дейди касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси Саида Сайфуллаева. — Шаҳримизнинг кўча ва хиёбонлари, мусобақа ўтадиган мажмуалар, меҳмонлар яшайдиган манзилгоҳлар ободонлаштирилмоқда. Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари сингари касаба уюшмалари фаоллари ҳам тайёргарлик тадбирларида ташкилотчи ва ташаббускор бўлишаяпти.

Бухородаги «Олимпия», «Ёшлик» мажмуалари, Когон, Ғиждувон, Вобкент, Шофиркон, Жондор, Бухоро туманлари марказидаги ўйингоҳлар меҳмонларни кутиб олиш учун тайёр ҳолга келтирилди.

Спорт байрами муносабати билан кўплаб янги иншоотлар қад кўтарди. 22 минг кишини бағрига оладиган 3 қаватли «Бухоро» ўйингоҳи ана шундай гавжум жойлардан биридир.

Муҳташам кошонанинг кириш қисмида улкан фавворалардан тўрт томонга муздек сув отилиб баҳри дилингизни очади. Шарқ меъморчилиги талаблари асосида ўнта дарвоза қурилган. Бинонинг иккинчи қаватида бир йўла 1000 киши тамадди қиладиган бир неча буфет ҳозирлаб қўйилди.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган йирик иншоотни «2-Бухорожамоақурилиш» акциядорлик жамиятлари уюшмаси фидокорлари бунёд этмоқдалар. Иш кеча-кундуз ташкил этилган. Айни пайтда ўйингоҳнинг металл тўсинларини ўрнатиш, ичимлик сув қувурларини ётқизиш, иккита теннис корти қурилишини ниҳоясига етказиш авж олдирилаяпти.

Мажмуа ташқарисининг биринчи қавати деворлари хориждан келтирилган пардозбоп ғиштлар билан безатилаяпти. Бу ишни «1-Вилоятқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасининг Вобкент, Ромитан, Олот, Қоракўл, Пешку туманлари бўлинмалари қойилмақом қилиб ўринлатишаяпти.

Кўп тармоқли муҳандислик коммуникацияларини ускуналаш «Тошкентнефтгазқурилиш» ҳиссадорлик жамияти зиммасида. «Монтажчи» шўъба корхонаси бинокорлари ғайрат кўрсатиб, 3,5 километрли қувурларни ётқизиб бўлдилар.

Ўйингоҳни ёритиш учун узунлиги 50 метр бўлган тўртта улкан минора ўрнатилади ва уларнинг тепасига юқори кучланишли прожекторлар, шунингдек, ўриндиқларни қуёш нури ва ёғин-сочиндан пана қилиш мақсадида ўйингоҳнинг учинчи қаватида профнастилдан соябонлар ўрнатилади.

Мажмуада мусобақаларнинг боришини кўрсатиш учун Голландиянинг «Pleups» фирмасида тайёрланган узунлиги 12, бўйи 9 метр келадиган катта таблолар қўйилди.

Ўйингоҳ қурилишида ҳаёт қайнайди. Футбол майдонини таъмирлаш, йўл ва йўлакларни тартибга келтириш, асфальт ётқизиш, гулзорлар яратиш ишлари ҳам қизғин давом этмоқда.

Шаҳарнинг бошқа жойларида ҳам ободонлаштириш тадбирлари тўхтагани йўқ. Қисқа муддатда 1 миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, гул кўчатлари экилди. Бухоро Давлат Университети, енгил саноат ва тўқимачилик технологияси институти, «Бухоротекстил» акциядорлик бирлашмасининг ётоқхона ва ошхоналарини таъмирлаш ниҳоясига етмоқда.

Меҳмоннавоз Бухоро «Универсиада-2002» қатнашчиларини очиқ чеҳра билан кутмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ҒОЛИБЛАР ФАРҒОНАГА БОРАДИ

Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» ўйингоҳида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг Навоий вилоят босқичи якунланди. Икки ой давом этган ушбу мусобақаларда 1,5 мингга яқин ўқувчи спортнинг 11 тури бўйича беллашди.

Нуроталик ўсмирлар ўзбек кураши, хатирчиликлар шахмат, теннис ва қўл тўпи бўйича, Навоий тумани ўқувчилари белбоғли кураш, қизилтепаликлар футбол ва волейбол бўйича, Навоий шаҳри ёшлари эса баскетбол, катта теннис, сузиш, енгил атлетика бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиблар шу йил апрел ойида Фарғона шаҳрида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика босқичида иштирок этади.

***Жиззах шаҳрида йирик мажмуа — «Маҳалла ва Ёшлар маркази» биноси фойдаланишга топширилди. Бу кошонада вилоятнинг «Маҳалла» жамғармаси бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши жойлашди.***

# МАҲАЛЛА ВА ЁШЛАР МАСКАНИ



Сўнгги пайтда вилоят миқёсидаги катта-кичик тадбирлар шу мажмуада ўтказилмоқда. Айниқса, халқ ҳурматини қозонган нуронийларнинг юбилейларини ўтказиш яхши анъанага айланиб бораяпти. Шунингдек, ёшлар муаммоларини ҳал қилиш борасида қатор хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Масалан, Жиззах шаҳри ва туманлар марказларида ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида 69 нафар йигит-қиз иш билан таъминланиб, 22 нафари касб-ҳунарга йўналтирилди.

Ёшларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши «Маҳалла» жамғармаси ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда мини футбол, волейбол, теннис ва кураш бўйича турли мусобақаларни уюштирмоқда. Маҳалла ёшлари ўртасидаги «Футболимиз келажаги» турнирининг шаҳар ва туман босқичлари, ўсмирлар ўртасидаги шахмат-шашка беллашувлари зўр муваффақият билан ташкиллаштирилди. Ўтган йил сўнггида юксак савияда ўтган вилоят миқёсидаги «Камолот-тур» теннис турнири эса сўнгги йилларда бу нафис спорт тури оммалашиб бораётганидан дарак беради.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоятда Артур Таймазов, Лазиз Зокиров, Олимжон Равшанов, Юлдуз Ҳамроқулова, Олег Веретельников, Елена Дроздова каби моҳир спортчиларнинг издошлари етишиб чиқаётганлиги мақтовга сазовордир. Бунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси бўлими ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим рол ўйнамоқда.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# МАВСУМНИНГ БОШЛАНИШИ ЧАККИМАС

***Албатта, ҳеч бир жамоа мағлубиятдан кафолатланмаган. Манаман деган клублар ҳам аламли дамларни бошдан кечирган. Шу жиҳатдан олиб қараганда биз назарда тутаётган матч натижаси ҳам унчалик ташвишли эмас. Лекин катта синов бўсағасида ҳар қандай қоқилиш анча қимматга тушиши мумкин.***

Англаб етган бўлсангиз, гап «Насаф» жамоаси хусусида кетаётир. Қаршиликлар (биз юқорида назарда тутаётган сабабга кўра «Металлург» жамоаси билан аввалроқ ўйнаб) дастлабки икки учрашувни ўз фойдаларига ҳал қилгач, мухлислар наздида «Насаф»нинг имкониятлари янада ортиб кетгандек эди. Йўқ, Зарафшонда «Қизилқум» билан бўлиб ўтган матч хулосада бироз шошганлигимизни кўрсатиб қўйди. Тўғри, ҳисоб унчалик катта бўлмади, бор-йўғи битта гол киритилди. Қолаверса, «Насаф» ўз жарима майдонида «эзилиб» қолгани ҳам йўқ. Лекин ўз навбатида бой берилган имкониятлар, мураккаб вазиятларда зарур бўлган чора-тадбирларни кўра билмаслик, тўп билан муомаладаги нуқсонлар кишини ҳар ҳолда ташвишга солади. 3-5 апрел кунлари Теҳронда кечадиган қитъа чемпионлари ярим финал баҳсида эса «Насаф» футболчиларидан ҳар қачонгидан кўра йиғинчоқлик, ўз кучига ишонч, ғалабага бўлган иштиёқ талаб этилади.

Яна бир ўзига хос жамоа — «Трактор»нинг ҳам мавсум бошида омади чопмаяпти. Таркибида Собир Ходиев, Илҳом Мўминжонов, Дилшод Ўрмонов каби қатор иқтидорли ўйинчилари бор команданинг ўз майдонида қаторасига икки марта мағлубиятга учрашини чамаси кўпчилик кутмаганди. Ваҳоланки, кейинги икки-уч йилда айнан «Трактор» мавсумнинг илк учрашувларини ўз фойдасига ҳал қилиб, маълум муддат турнир жадвалини бошқариб боришига ҳатто ўрганиб ҳам қолган эдик. Учинчи-бешинчи турларни меҳмонда ўтказишини назарда тутадиган бўлсак, команданинг юзага келган ҳолатдан чиқиши осон кечмаслиги янада аёнлашади.

Эътироф этишимиз лозим, мавсум энди бошланган эса-да, аввалги йиллардагига нисбатан бирмунча шиддатли кечмоқда. Буни меҳмон жамоалар қўлга киритаётган натижалардан ҳам билса бўлади. Хусусан, «Самарқанд-Д» жамоаси «Трактор» командаси устидан ғалаба (1:0)қозонган бўлса, яна икки учрашувда («Машъал»—«Бухоро»—0:2, «Металлург»—«Қўқон-1912»—0:2) меҳмонлар сермаҳсул ўйин намойиш этишди. Бу — бизнинг футболимиз учун янгилик.

Ёшарган ва кучайтирилган «Пахтакор» эса дадил одимлашда давом этмоқда. Шароит тақозосига кўра олий табақадаги ўз ўрнини сақлаб қолган, лекин мавсумга тузукроқ ҳозирлана олмаган «Сурхон» футболчилари пойтахт жамоасига айтарли қаршилик қила олмади. Буни ҳисоб ҳам тасдиқлаб турибди — 5:1.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якун топди:

«Андижон»—«Зарафшон»—0:0, «Нефтчи»—«Дўстлик»—3:0, «Навбаҳор»—«Сўғдиёна»—2:0.

*Футбол*

Икки турдан сўнг «Пахтакор», «Қизилқум», «Бухоро», «Самарқанд-Д», «Насаф» (уч ўйин) жамоалари пешқадамлик қилишмоқда. Навбатдаги тур 30 мартда бўлиб ўтади.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё вилояти касаба уюшма қўмиталари раисларининг тармоқ Кенгаши раиси Т.Бариновага онаси

**Анна ЕРМОЛЕНКО**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма қўмитаси «Шош-транс» қўшма корхонасининг бош директори

**Икромжон ШОДМОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 232.

1 2 3 4 5 6